

Тошкент То'qqashomi

2009 йил, 13 март, жума

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (11.362)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Вилоятда эркин индустриал иқтисодий зона ташкил этишининг ҳуқуқий асослари» мавзусига бағишланган семинар ташкил этилди.

• Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида иш бошлаган илмий-амалий анжуман интервенцион кардиологиянинг долзарб масалаларига бағишланди. Тадбирда кардиолог, кардиожарроҳ, реаниматолог ва шошилич тиббий ёрдам тизими шифокорлари, ёш тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар иштирок этмоқда.

• Республика Марказий банки томонидан «Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ипотека ва истеъмол кредитларининг аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани уюштирилди.

• Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Қамолот» ЁИХ стипендияси совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• Қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи якунланди. Унда 40 га яқин ёшлар ўзаро куч синашди.

• «Қишлоқ таракқиети ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан «ЭКОСАН» Халқаро ташкилоти ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикасида «Саломатлик» поездини юборди. Поезднинг тиббиёт вагонлари флюорография, электрокардиограмма аппаратлари, стоматология кабинети ва бошқа керакли тиббиёт анжумлари билан жиҳозланган.

• Тошкент кимё технологиялари институти олимлари томонидан нефть-газ қазиб олиш, гидрометаллургия соҳаларида коррозияни бартараф этувчи ингибитор ишлаб чиқилди. Маҳаллий хом ашё ва саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари асосидаги мазкур ишланма айни пайтда четдан келтирилатган маҳсулотларнинг ўрнини босади.

• Қашқадарёда «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг худудий босқичи ўтказилди. Унда Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари иштирок этди. Ғолиб компьютер жамламаси билан тақдирланди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Президенти Барак Обама Эронга исбатан иқтисодий санкциялар яна бир йилга узайтирилишини маълум қилди.

• Голландия полицияси томонидан Амстердам шаҳри ва унинг атрофида бир неча портлашни содир этишга тайёрланишда гумон билан этиш хибосга олинди.

• Жаҳон савдо биржаларида «қора олтин» нархи сезиларли даражада ошди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел нефтнинг нархи 45,09 доллар миқдорига қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 47,03 долларни ташкил этди.

• Қонотдаги чиқиндиларнинг хавф солиши муносабати билан Халқаро космик станция экипажи эвакуация қилинди.

• Япония денгиз қароқчиларига қарши курашиш мақсадида Сомали давлати қирғоқларига иккита эсминец русумли кемасини юборди.


• Буюк Британиянинг «Easyjet» авиакомпаниясига қаршли «Аэробус» йўловчи самолёти Грециянинг Салоники шаҳри аэропортига фавуқлодда қўндирилди. Гап шундаки, ҳаво лайнерининг қушлар галасига тўқнашиб кетиши натижасида унинг моторида муаммо юзага келган. Самолёт бортидаги 139 нафар йўловчи ва 6 экипаж аъзосига ҳеч қандай зиён етмаган.

• Украинанинг Донецк областида грипп эпидемиясининг тарқалиши туфайли карантин жорий этилиб, 54 та ўрта таълим мактаби ёпиб қўйилди.

• АҚШнинг Виржиния штатида жамоат жойларда чекишни тақиқловчи қонун кучга киритилмоқда. Янги тартибга кўра, бундан кейин ресторан, бар ва шунга ўхшаш гавжум масканларда тамаки тутатиш қатъий ман этилди.

• Тадқиқотчиларнинг халқаро гуруҳи Жаҳон океани сатҳининг кўтарилиш тезлиги 2 барабар кам ҳисобланганини таъкидлади. Олимларнинг сўзларига қараганда, 2100 йилга бориб денгизлар суви 2007 йилда айтилганидек 0,2-0,6 метр эмас, 0,8-1,5 метрга кўтарилади. Бу халат Гренландия ва Антарктида музларининг жуда тез эриши билан боғлиқдир.

Тошкентим — боғу бўстони



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ПАРЛАМЕНТ ҚҮЙИ ПАЛАТАСИНING ҚҮМИТАЛАРИДА ДАСТАБКИ ТАРЗДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН, СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Чўнони, яна 11 та жиноят таркибига нисбатан ярашув институти қўлланилишини назарда тутуви «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Таъкидландики, қонун ҳужжатига киритилаётган туза-тишлар жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришдаги навбатдаги қадам бўлиб, у кам аҳамиятли қўлимшлар учун ҳужм қилинган фуқаролар сонини камайтиришга қаратилгандир.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон – Тожикистон Давлат чегараси тўғрисида»ги Шартномани (Душанбе, 2002 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқилди. Сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон ташаббусига кўра имзоланган Шартноманинг ратификация қилиниши Давлат чегараси яқин вақт ичида юридик халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига, унинг хавфсизлиги таъминланишига, чегарадош давлатлар билан дўстлик ва яқин қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлик руҳидаги ҳамкорлик янада чуқурлаштирилишига қўмақлашишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмақлаштириш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1005-сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда Молия вазирлигининг Фазначилиги зиммасига Ўзбекистон Республикасига келаятган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмақлаштириш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси юклатилган.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг никоҳ тузиш олдидан тиббий кўриқдан ўтиши чоғидаги алоҳида ҳолатлар ва шароитларни ҳисобга олишга қаратилган. Мазкур ҳужжат ишлаб чиқилишида чет эл мамлакатларининг тажрибаси ўрганилган, Ўзбекистон мутахассисларининг хулосалари эътиборга олинган.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган барча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

ҲАШАР — ЭЛИМИЗГА ЯРАШАР

БИЗНИНГ ОБОД ВА ОЗОД ЮРТИМИЗГА ЯНА НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛАЭТИР. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН 14-15 МАРТ КУНЛАРИ БУТҶН РЕСПУБЛИКАМИЗДА УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ. ШУНИНГДЕК, ШАҲРИМИЗ ҲУДУДИНИ ЯНАДА ШИНАМ ВА ОРАСТА ҚИЛИШ МАҚСАДИДА МАРТ — АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

Наврўз... Табиат уйғониб, ўзининг бетакрор чиройини атрофга ёймоқда. Кўклар нафаси, унинг ҳаётбахш кучи ҳар жойда, ҳар лаҳзада сезилаётир. Бу — Наврўз жилослари, бу — Наврўз инъомлари.

Одамзотнинг табиат билан уйғун бўлиб яшашга интилиб келиши бежиз эмас: биз она-табиатнинг ажралмас қисми эканмиз, баҳор келиши билан беихтиёр вужудимиз янгилиниб, покланиб бораётгандай туюлади. Бу ажиб ҳиссиёт — Наврўз ифориридир. Наврўз пойқадамидан дарақдир.

Наврўз — янги кун, янги йил. Бу ҳаётий фалсафа инсонга янги куч ва мустақам соғлиқ ато этиб, олижаноб ишларга ундайди.

Барчамизга яқин маълумки, Наврўз саховатпаллик, меҳр-муруват, яқинлик тимсолдир. Демак, Наврўз нафасининг ҳар бир хонадон, ҳар бир киши қалбига кириб боришига ишончимиз комил. Мамлакатимизда баҳор байрамига тараддуллар айнан саховат тадбирлари билан бошлангани ҳам шу босдандир.

Вазирлар Маҳамасининг Наврўз бай-

рамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришга йўналтирилган фармойишида ҳам юқорида таъкидланганидек, шундай эзгу мақсадлар ўз аксини топган. Жумладан, ижтимоий ҳамкорлик, бегараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби миллий кадриятларимизга хос фазилатларни янада юксалтириш, маҳаллаларимиз худудларини обод ва кўркям қилиш мақсадида жорий йилнинг март-апрели ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ойлари этиб белгиланди. 14-15 март кунлари эса умумхалқ ҳашари ўтказилди.

«Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимининг дастлабки маълумотларига кўра, ҳашар кунлари ўзгалар мададида муҳтоб 190 дан зиёд оилага 16 миллион сўмга тенг, икки ойлик давомида бундан икки баробар ортиқ савоҳат кўрсатилиши кутилмоқда.

Ҳашар деганда ўзбекнинг хаёлини қўни-қўшилларга, моддий имконияти чекланганларга қурилиш-таъмирлаш ишларида бегараз ёрдам кўрсатиш фикри чулғаб олади. Шанба, яқшанба кунлари шу ният ила ҳашар йўли билан яқка-ёғлиқ қарияларнинг 74 минг квадрат метрдан зиёд майдонга тенг уй-

жойлари таъмирдан чиқарилади.

Дарҳақиқат, Наврўз инсонларни ҳар доим яратувчанликка ундаб келган. Ҳаттоки хали қировли кунлар тугамасидан ҳам Наврўзни соғинган юртдошларимиз томорқаларини тартибга келтириш, уй атрофларини тозалашга киришганининг кўп гувоҳи бўлдик. Ҳашар кунлари бундай сазй-ҳаракатлар янада оммалашши турган гап. Меҳнат жамоалари ўз корхона, ташкилот ва муассасаларининг худудларини тозалаб, янги кўчатлар ўтқазилга шайланади. Шаҳримиз марказий кўчалари ва майдонларида эса бундай олижаноб ишларда Ободонлаштириш бош бошқармаси тузилмалари ва «Махсустранс» корхонаси қаторида камолотчилар ҳам ёнма-ён туриб фаол қатнашишни ўз зиммасига олган. «Қамолот» ЁИХ ҳашар кунлари ва икки ойлик давомида ободонлаштириш ва саховат тадбирларига 600 мингга яқин ўғил-қизларни жалб этишни режалаштирган. Маҳалла ёшлари ҳам шаҳардаги 69 та зиёратгоҳни отахонлар бошчилигида тозалаш ташаббуси билан чиқмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунини Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

• **АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирок этишди.

• **БУГҶН** Собир Раҳимов политехника касб-хунар коллежиде ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Наврўз ва кадриятлар» деб номланди.

• **ЭРТАГА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирокида одам савдоси ва миссионерликнинг олдини олиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтади. Тадбир доирасида қатнашчилар эътиборига «Адашганлар» фильми намойиш этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги

АТОҚЛИ ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, АДАБИЁТШУНОС ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ЎЗИНИНГ СЕРҚИРРА ФАОЛИЯТИ, ДАДИЛ СЎЗИ, МАЪНАВИЙ УЙҒОҚЛИККА ДАЪВАТ ЭТУВЧИ ЎТКИР ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАРИ, БАДИИЙ ТАРЖИМАЛАРИ БАРОБОРАДА МАТОНАТИ, ҚАТЪИЯТИ, ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ЭДИ.

Шу кунларда олим таваллудининг 80 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳларида устознинг маънавий мероси, фаолияти, ҳаёти, хотирасига бағишланган адабий кечалар, учрашувлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

12 март кунини Ўзбек Миллий академик драма театрида Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, олимлар, жамоатчилик вакиллари, талабалар, олимнинг шоғирдлари, оила аъзолари тўландилар.

Кечада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Е.Аҳмедов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Кўзиев, «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори ўринбосари Ж.Қосимов, фило-

логия фанлари номзоди, адибнинг кизи М.Шарафиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги кенг кўламли ироҳислохотлар маънавий-маърифий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, унинг ривожини йўлида самарали фаолият кўрсатган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, ижодини тўлақонли ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш, хотирасини ёзозлаш каби эзгу ишларда ўзининг эркин ифодасини топмоқда.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонининг фидойиси, навқирон истеъодларнинг меҳрибон мураббийси сифатида танилган эди. Унинг китоблари адабий жараёнини янгилаш, идрок ва талқин этишининг эркин намунаси. Унинг XX аср янги ўзбек адабиётининг муста-бид тузум туфайли топилган тари-

хини, айниқса, қатагон этилган адиллар меросини ҳолисона ўрганиш йўлидаги жонбозликлари илмий-ижодий жасорат намунаси.

Истиқлол йилларида ижодкорларга яратилган кенг имкониятлар Озод Шарафиддиновни ҳам янада самарали фаолият кўрсатишга ундади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил этилиши ва унга Озод Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши олим фаолиятида янги саҳифа очди. Унинг сазй-ҳаракатлари билан ўзбек китобхоналари дунё адабиётининг энг нодир дурдоналаридан баҳраманд бўлдилар. Устознинг жамоатчи, публицист сифатида истеъдодининг юксак қирралари намён бўлди. Адабиётшуноснинг «Истиқлол фидойилари», «Маънавий камолот йўлиларида», «Мустақиллик мейвори», «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» каби асарлари замонавий миллий адабий тафаккурнинг эркин намунаси.

(Давоми 2-бетда).

ҲАШАР — ЭЛИМИЗГА ЯРАШАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳашар кунлари 980 мингдан зиёд шахримиз аҳолиси кучи билан 560 минг туп манзарали, 35 минг мевали дарахтлар ва 80 мингтадан кўпроқ гул кўчатлари ўтказилади. Икки ойлик давомида пойтахтимизнинг яшил камарининг 270 мингдан зиёд янги ниҳоллар ҳисобига кенгайтиши кутилмоқда.

Бу борада «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш корпорацияси, Манзарали боғдорчилик ва ўрмон ҳўжалиги, республика ишлаб чиқариш маркази, бошқа бир қатор тизимдаги тузилмалар кўчатларни зарур миқдорда етказиб беришни ўз зиммасига олган.

Шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг курилиш ташкилотлари шу кунларда барча туманларда алоҳида манзиллар бўйича байрам саҳналарини барпо этиш билан банд бўлади. Бошқармадан олинган маълумотга кўра, Наврўз байрамини пойтахтимизда кенг ва юқори савияда нишонлаш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ Алишер Навоий, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий, Бобур, Мирзо Улугбек номидаги, «Богшамол», «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғларида саҳналар ўрнатилиб, байрам дастурлари намойиш этилади. Дарвоқе, шу кунларда шахримизнинг барча маданият ва истироҳат боғлари ҳам ўз худудларини Наврўзга хос безаш борасида бири-бирдан ўзиш ниятида гўё беллашишга ҳозирлик кўрмоқда. Бунинг қанчалик ҳақиқат эканлигини дам олиш масканларига бевосита ташриф буюраётганлар ва айниқса болажонлар яхши тасаввур қилмоқда десак, адашмаймиз. Бундан ташқари, халқ сайилларига оммавий тус бериш мақсадида ташкилотчилар томонидан 1300 дан ортиқ профессионал ва ҳаваскор санъаткорларнинг дастурларини намойиш этишни учун саҳналар ташкил этилади.

Хар доимдек баҳор байрамининг асосий тантаналари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги «Наврўз» мажмуаси саҳнасида бўлиб ўтади. Бинобарин, бу ерда ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда репетицияларни ҳам кузатиш мумкин.

Наврўз эшик қўқмоқда. Янгиликлар, юксалиш ва меҳр-саховат айёмини очиб кўнгли, пок ният, олижаноб ҳаракатлар билан кутиб олиш барчамизга насиб этсин. Ҳашар республикаимизнинг барча гўшалари, айниқса шахримизнинг янада обод ва гўзал бўлишига ҳисса қўшишдек ягона ва умумий мақсадга бирлаштиради, яратувчанликка даъват этади. Мехнат инсонни олижаноб ҳаракатларга, меҳр-шафқатли бўлишга ўндайди. Ўзбекларга хос бундай хислатлар бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА 10-ЮБИЛЕЙ «ҚУРИЛИШ — UzBuld 2009» ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ҲАМДА «МЕБЕЛЬ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ИНТЕРЬЕР ВА ДИЗАЙН — MEBEL EXPO UZBEKISTAN 2009» 6-ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ТЎРТ КҮН ДАВОМИДА ИШ ЮРИТДИ ВА ЮРТИМИЗДАГИ БАҲОРГИ КЎРГАЗМАЛАР МАВСУМИНИ ОЧДИ. МАЗКУР КЎРГАЗМАЛАРНИ ПТЕ Uzbekistan ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИ ВА УНИНГ ШЕРИГИ — БУЮК БРИТАНИЯНИ И.Т.Е Exhibitions Conferences LTD. КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДИ.

БАҲОРГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Мустиқлигимиз шарофати билан кейинги йилларда юртимиз иқтисодий тараққиоти йўлида давлатимиз томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар нафақат ички бозоримизда ўрин топмоқда, балки хорижий юртрларга ҳам «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан экспорт қилинаётгани ҳақинда аҳолининг қўлига жавоб беришдан ёрқин далолатдир. Қувонарлиси эса пойтахтимизда ташкил этилаётган ушбу кўргазмалар тўғрисида юртимиз тадбиркорларининг илгор минитехнологиялар кидириб юришлари ҳақда қолдирмаганидир.

«Қурилиш-UzBuld 2009» 10-юбилей кўргазмасини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси расмий қўллаб-қувватлади. Юбилей кўргазмасида жаҳоннинг 16


мамлакатидан 100 дан зиёд компания (улардан 45 фоизини ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва 55 фоизини узоқ, яқин хориқ компаниялари ташкил этиди) қатнашганини ҳисобга олсак, унинг нуфузи қанчалик юксалиб бораётгани кўзга яққол ташланади. Германия, Эрон, Италия, Хитой, Швеция, Қозғистон, Туркия, Люксем-



бург, Украина ҳамда маҳаллий компаниялар иштирокидан ишчан рўхда ўтган ушбу кўргазма ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз иштирокчиларининг фаолиятларидан кўриниб турибдики, республикаимизда қурилиш тармоғи ривожланиб бормоқда. Бу тадбирнинг шахримизнинг 2200 йил-

Кўргазмалар



лиги нишонланиши, яъни, бунёдкорлик, қурилиш, янгиликлар, яшарлиш кўзгини паллага кирган даврга тўғри келганлиги айниқса, эътиборга молик. Иштирокчилар орасида савикта қўшма корхонаси ўзидан бирлаштирган «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг ёрқин экспозицияси, Тошкент лок-бўёқ заводи, «Ўзэлектротранспарат-Электротит», ОАЖ қўшма корхонаси, «Altegra Group», «Русский лес» масъулияти чекланган жамиятлари, «Мебель» очик акциядорлик компанияси, «Simax-Paris» компаниялари маҳсулотлари алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, 10-13 март кунлари ўтказилган «Мебель» ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн — Mebel Expo Uzbekistan 2009» 6-халқаро кўргазмаси иш кунлари ҳам қизгин кечди. Замонавий, энг янги мебель, уни ишлаб чиқаришда қўлланувчи, яъни экспозициялардан кенг ўрин эгалла-

ган ёғочга ишлов бериш ускуналари, сайқаллаш техникаси, автоматлаштириш тизимлари (кўргазмада илк бор ДСП, МДФ учун пресслаш линиялари ишлаб чиқариш соҳасининг етакчиси — Pagnoni Impianti Srl. — Италия иштирок этди), немисларнинг дунёга танилган елимлаш материаллари, мебель учун бутловчи қисмлар намойиши юртимизда ҳақон андозаларига тўла жавоб беришни мебель ишлаб чиқариши ривожлантиришга қўмақлаштиришга ташриф буюрувчиларда ишонч уйғотди, десак, янглишмаймиз.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиздан айниқса «Orient-Mebel» қўшма корхонаси, «Altegra Group», «Русский лес» масъулияти чекланган жамиятлари, «Мебель» очик акциядорлик компанияси, «Simax-Paris» компаниялари маҳсулотлари алоҳида ўрин тутди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Ўзэкспо-марказ»да бирўйла ўтказилган икки кўргазмадан лавҳалар.

Ҳажимжон Солихов олган суратлар

АТОҚЛИ ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз фармонлари билан Озод Шарафиддинов Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, «Буюк хизматлари учун», «Меҳнат шўхрати» орденлари билан тақдирланган эди.

Маросимда санъат усталари ва ижрочиларнинг концерти, устоз ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли фильмдан лавҳа намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Шу кун «Озод Шарафиддинов ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуда илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси,

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти С.Фуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов, филология фанлари доктори, профессор У.Норматов, академик Б.Назаров, «Тафаккур» журналі бош муҳаррири Э.Аъзам, адабиётшунос олим И.Гафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси У.Хошимов ва бошқалар Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом ва теран тафаккур соҳибни этиб вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида миллий адабиётимизни раванқ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу йўналишдаги барча ишлар миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорларнинг илмий-маънавий меросини та-

дқиқ этиш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Озод Шарафиддинов ижодини ҳар томонлама, чуқур ва мукамал ўрганиш борасидаги эъзу ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Конференцияда таъкидланганидек, бутун ҳаётини илм-маърифат ва маънавият ривожига бағишлаган заҳматқаш олимнинг асарлари, сермазун ҳаёти навқирон авлоднинг тарбиялашда юксак намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Озод Шарафиддиновнинг бадиий адабиёт масалаларига бағишланган мақолалари адабиётимизга янги руҳ олиб кирди.

Устозинг «Адабий этюдлар», «Яловбардорлар», «Истеъдод жилолари», «Биринчи муъжиза», «Адабиёт — ҳаёт дарслиги», «Ҳаёт халқ хамнафас», «Ҳақиқатга садоқат», «Моҳият ва маҳорат», «Абдулла Қаҳҳор», «Чўлпон», «Чўлпоннинг англаш» каби қўлла адабий-танқидий монография, рисола ва

илмий-публицистик мақолаларида ўзбек адабиётининг тараққиёт йўллари, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Фафур Фулом, Миртемир, Сулфия каби адабиётимиз жонқуяралирининг ижоди теран таҳлил этилган. Адиб ёш истеъдодларни тарбиялаш, камолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди. Олим қирқ йил давомида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида меҳрибон устоз, жонқуяр педагог сифатида самарали хизмат қилди.

Мустиқлиқ йилларида Озод Шарафиддиновнинг публицистик-олим сифатидаги қирралари янада ёрқинроқ намоён бўлди. У мустиқлиқ олимларини, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилона ижтимоий сиёсатни теран нигоҳ, дахлдорлик масъулияти, фаол фуқаролик позицияси билан таҳлил этди.

Конференцияда олимнинг илмий-адабий ва маърифий фаолиятига оид маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза муҳбири

Жумладан, шу йилнинг 13 февраль куні Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «2008 йилда республикамиз иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2009 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари» га бағишланган йилги мажлисда мамлакатимиз Президентини 2009 йилда мамлакатини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири — аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш этиб белгиланди.

Бу борада Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси томонидан тегишли шаҳар тузилмалари билан ҳамкорликда худудий дастурлар доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2008 йил мобайнида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг янги худудий маҳсулотга улуши 48,0 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти ривожланиш хисобига уларнинг Тошкент шаҳридаги жами экспорт ҳажмидаги улуши 16,8 фоизга етди.

Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тегишли шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига юзага келаятган муаммоларни ўрганиб бориш ҳамда мутасадди давлат органлари иштирокидан уларни бартараф этиш масалаларини муҳожама қилиш мақсадида, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида, барча туманларда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш учун тадбиркорлар ўртасида сўровлар ўтказилди, шунингдек, 56 маротаба тўғридан-тўғри мулоқот тарихида давра сўхбат-

лари ва семинарлар ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида 2008 йил мобайнида аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш худудий дастурининг бажарилиши юзасидан, жами янги ташкил этилган иш ўринлари сонини 36714 тага етгани ҳолда, ўтган йилга нисбатан 121,1 фоизга ошган. Шунингдек, 2008 йил якунига келиб, кичик ва хусусий биз-

тан 86,7 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин.

Кичик бизнеснинг ривожланишида аёллар тадбиркорлигининг ўрни ортиб бормоқда. Хусусан 2008 йил давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 46,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 2,3 маротабага ошди.

Бу борадаги ишларнинг самараси сифатида таъкидлаш

— инвестиция мақсадларида — камда 1 йиллик имтиёзларидан давр билан камда 3 йил муддатга кредит берилган аёллар имтиёзли шартларда амалга оширилди;

— экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиривчи кредитлар Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоиздан ортиқ бўлмаган ставкаси бўйича ажратилди.

Бундан ташқари, тадбиркор-

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2008 йилда улуш ва яхлит объектларнинг сотилиши бўйича харид қиймати 13,3 миллиард сўм ва 4,9 миллион АҚШ долларини миқдордаги 106 та шартнома рўйхатга олинган бўлиб, улардан 54 таси 6,5 миллион АҚШ долларини ва 6,3 миллиард сўм қўшимча инвестиция

ларнинг аксарият қисми инвестиция киритиш шарти билан сотилмоқда.

ТАРИХНИНГ ЖОНЛИ САҲИФАЛАРИ
Конституциянинг 42 ва 49-моддаларига «Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилади, маданият ёдгорликлари эса давлат ҳимоясида. Ўз навбатида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар» дейилади.

Ўзбекистонда тарихий манбаларни, ҳужжатларни ва маънавий-маданий меросларни асровчи ва келажақ авлодга етказувчи асосий маскан бу архив ҳисобланади. Мустиқлиқ йилларида маданий ривожланиш соҳасининг йўналишларидан бири бўлиши архив фаолиятига ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архив ишлари янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам мазкур эътиборнинг мантиқий давоми десак муболаға бўлмайди. Унда асосий мақсад қисқа муддатда (2009-2011 йиллар) республикада архив иши ва иш юритишини янада ривожлантириш, архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланишни имкониятларини кенгайтириш ҳамда тармоқнинг норматив ва методик базасини тақомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари архив соҳасини ҳам замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш ва маълумотларни компьютерлаш имконини берди. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида «Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси тизимида 2006-2010 йилларга мўлжалланган компьютерлаштириш Дастури» ишлаб чиқилди ва амалда тадбиқ этилмоқда. Архив соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни утадилаштириш мақсадида, давлат архивиди сақланаётган жада кимматли ҳужжатларнинг электрон суратларини яратиш ишлари давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, архив компьютерлари «Sargos телеком» ва «Ars inform» провайдерлари билан шартнома асосида, интернет ва локал тармоқларга тўлиқ уланди. Архивнинг расмий tashkent.archive.uz веб сайти ишга туширилди. Фуқаролар бу сайтдан бемалол фойдаланишлари мумкин. Айтиш жоизки, бу ерда ривожлантирилган электрон базалар, энг аввало фойдаланувчиларнинг маънафини қўлайди. Бу архив ходимларининг ишнинг енгилаштириши табиий. Одатда фойдаланувчи архивга бирор ҳужжат юзасидан ёки тадиқот мавзуси бўйича муражаат қилганда архив ходимлари унинг сўровини қайд этади. Сўнгра архив картотекаларидан қизиқтирган ҳужжатлар ўз тарихийга олувчи фондлар топилади. Бу ишларнинг барчасига бир неча кун вақт кетади. Табиийки, қозғоз картотекаларида автоматлаштирилган кидирувини амалга ошириб бўлмайди. Картотека ва рўйхатларнинг электрон базаси яратилди ва ҳозирда базаси маълумотлар билан тўлдирилмоқда.

Тошкент шаҳар Архив иши бошқармасида ҳам архив муассасаларида фуқароларни қабул қилиш тартибин тақомиллаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар ижроси ва белгиланган вазифаларни бажариш, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни нашр этиш борасида эътиборни ишлар қилинмоқда. Хусусан, шаҳар давлат архиви ҳужжатлари асосида Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Барҳаёт сиймо», Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллик санасига «Буюк илм даргоҳи», Тошкент шаҳар ҳокимиятига «Тошкент шаҳрига 2200 йил», Тошкент юрдиқ институти қошидаги академик лицейга «Юнусов туманининг ташкил топиши ва ундаги тарихий жойлар» каби мавзуларда ахборот ва маълумотлар етказиб берилди. Бундан ташқари, айни кунларда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб турли архив ҳужжатлари асосида кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, архив фаолиятига оид деярли барча меъерий ҳужжатларда битта масалага алоҳида ургу бериб ўтилган. Яъни мамлакатимизда ҳозирги архив фаолияти учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи. Негаки, халқимизнинг бой маданий мероси муҳрланган ҳужжатлари келажақ авлодлар учун сақлаб қолиш муҳим масалага айланиб бораётир. Қолаверса, иқтисодий муносабатларнинг тараққий этиши натижасида ҳужжатларнинг ҳажми кундан-кунга қўлайиши билан уларни сақлаш шартларини ҳам тизимлаштириш орқали тубдан ўзгартириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Катта ҳажмда ҳужжат айланадиган Тошкент шаҳар архив иши бошқармасида ушбу масалаларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётган.

Дам олиш саҳифаси

Фазо ва одамлар

ХИТОЙ СУНЬИЙ ЙЎЛДОШИ ОЙГА ЕТИБ БОРГАН

Синхуа агентлиги Давлат фан ва технологиялар мудофаа бошқармаси баёнотига асосан билдиришича, "Чаньэ-1" Хитой суньий йўлдоши Ой сиртига етиб борган. Ердан туриб бошқариладиган йўлдошнинг Ой сиртига кўндирилиши "Чаньэ-1" олдига қўйилган вазифанинг муваффақиятли якуни бўлди, дея таъкидлайди агентлик.

Космик аппарат фазода бўлган 16 ой давомида "Чаньэ-1"дан Ой юзаси тўғрисида батафсил маълумотлар олинган. Улар асосида Хитой олимлари Ер табиий йўлдошининг биринчи Хитой харитасини тузишган.

Ой сайёрасини ўзлаштиришнинг Хитой дастури уч босқични кўзлайди: орбитага чиқиш, фазовий аппаратни Ойга юмшоқ кўндириш ва ниҳоят, Ой тупроғи намуналари билан йўлдошни Ерга қайтариш. 2013 йилда модернизациялаштирилган "Чаньэ-2" фазовий аппарати 2010 йилда учирши режалаштирилмоқда. 2013 йилда Ойга ўзиюрак аппарати, 4 йилдан кейин эса, Ой тупроғи намунасини Ерга олиб келадиган луноходни учирши мақсади қўйилган.



НОМАЪЛУМ УЧУВЧИ ЖИСМ СУРАТГА ОЛИНАДИ!

АҚШнинг 44-президенти Барак Обаманинг ўз вазифасига киришишига бағишланган тантана пайтида Америка телеканоли камераси Вашингтон устидан учиб ўтаётган номаълум учувчи жисми суратга олган. Шу ҳақда видео интернетда жўшқин муҳокама этилмоқда. Уни томоша қилганларнинг кўпчилиги яси ва қанотсиз бу жисм кушга ҳеч ҳам ўхшамаслигини таъкидламоқда. "Вашингтон монументи" мармар ёдғорлиги фонидида қора объект инаугурациядан кейин одамлар тарқалаётган, аммо канал трансляцияси давом этиб турган, кўрсатув етакчилари 44-президент нутқини муҳокама қилишда давом этаётган бир

КОИНОТНИНГ АНГЛАШИМАС НАЪРАСИ

Радиочастотали нурланишларнинг паст шовқинли приборларидан фойдаланиш Коинот реликт (жуда қадимдан) нурланишининг ҳозирги илмий таълимот нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайдиган ғайритабиий факуллада кудратли акустик шовқинни аниқлаш имконини берган. Годдард номидаги NASA фазовий парвозлар маркази тадқиқотчилар гуруҳи ARCADE (Absolute Radiometer for Cosmology, Astrophysics, and Diffuse Emission) асосат радиометридан фойдаланиб ўтказ-

ган текширишлари натижасини таъкид этди. Юқори сезгир паст шовқинли детектор Коинот реликт микротўқинли нурланиши частотали спектрини қайд этиб боришга мўлжалланган.

ARCADE детектори аэроостат ёрдамида Антарктидадаги полигондан 35 километрдан ортиқ баландликка чиқариб қўйилган. Ҳозир у сувқиннинг пастлиги ҳисобига детекторнинг рекорд сезгирлигига эришилди. Бунинг учун у суяқ гелий билан ишчи ҳарорати Кельвин бўйича тахминан 2,7 даражагача совутилган. Олинган маълумотлар таҳлили реликт нурланишининг ғайриоддий кудратли шовқини спектрини аниқлаш имконини берди.

Олимлар бу шовқинни ҳозирги вақтда қандайдир тарзда тушунтиришнинг иложи йўқ, дейишмоқда: шовқин амплитудаси Коинотнинг детектор антеннаси камраб олиши мумкин бўлган қисми бутун радиоманбалар жами сигналлари йиғиндисидан олти марта кўпроқ.

Янгиликлар, воқеалар, ҳодисалар ТЕЛЕСКОП ФАЗОГА КЎТАРИЛДИ

Франс Пресс агентлигининг маълум қилишича, NASA коинотда ер гуруҳига кирувчи сайёраларни излаш учун жуда кудратли Kepler фазовий телескопини учирган. Телескоп парвози Канаверал бурунидаги космодромдан Delta II учирувчи ракетаси ёрдамида амалга оширилган.

Буюк астроном Иоганн Кеплер шарафига унинг номи билан аталган телескоп олдига галактикамиздаги сайёралар тизимлари орасидаги таркибий фарқларни ўрганиш ҳамда ҳаёт мавжуд бўлиши эҳтимоли бўлган Ерга ўхшаш сайёраларни излаб топиш мақсад қилиб қўйилган.

Kepler махсус ускуналар ёрдамида орбита параметрларини ҳамда тадқиқ этилаётган сайёра ҳароратини аниқлаш мумкин. Бу ўз навбатида унинг ҳаёт учун яроқлилиги ҳақида фикр юритиш имконини беради. Мазкур ускуна ишчи юзасининг диаметри 95 сантиметр бўлган ҳозирги кундаги энг улкан телескоп-фотометр билан жиҳозланган.

Телескоп шунчалик катта қувватга эгаки, кечаси унинг бортидан туриб, кичик бир шаҳардаги хонадон эшигининг очилиш-ёпилишидаги ёруғлик кучи ўзгаришини аниқ белгилаш мумкин.

ТЕАТР БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Машҳур кино ва театр актёри Олег Янковский ўзининг сеvimли "Ленком" театри саҳнасида сўнгги бор роль ўйнаган. 64 ёшли актёр "Уйланиш" спектаклида бош ролни ижро этган. Олег Ивановичнинг ҳамкасблари кўзларида ёш билан: "Бу унинг сўнгги спектакли эканини биламиз, энди у саҳнага чиқа олмайди", дея баёнот беришган.




Олег Янковский ўзига ачинишларини ёқтирадиган одам эмас. Ҳа, у ҳозир оғир бетеб ва даволанмоқда. Шифокорлар ҳатто унинг ўрнидан туришини ҳам маслаҳат беришмайдилар. Бироқ, юзлаб илгари нигоҳларни кўрмаслик, саҳнадан залга нигоҳ ташламасликка у чидай олмайди. Яқинда у театр бадиий раҳбарига кўнгирак қилиб, "Мен бораман" деб огоҳлантирган. Анча катта танаффусдан кейин "Уйланиш"га, биринчи бор бўлмаса ҳам, Янковскийнинг қайтиши ҳақидаги хушxabар яшин тезлигида тарқалиб, ортиқча билетни бир кун олдинданок топиб бўлмай қолганди.

LIFE.RUga маълум бўлишича, саҳнага чиқадиган бир неча соат олдин театр гримхонасига кирган актёр котиб қолди: кўп йиллардан бери "Уйланиш"да кийиб келадиган костюми қопдек катта бўлиб қолганди. Аммо Олег Иванович саҳнага чиққанда, унинг ўзи севган, юксак кадрлайдиган мухлисларидан кимлардир пиқирлаб, кимлардир ошқора йиғларди. Чанқоқ кўзлар буюк актёрнинг ҳар бир ҳаракатини умрбод эслаб қолшига интиларди.

УНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ҲАММАНИНГ ҲАМ КУЧИ ЕТМАЙДИ

Аргентиналик Хорасио Пагани XXI аср бошларининг энг буюк спорт-машиналаридан бирини яратди. Pagani Zonda ўн йилдан ортиқ вақтдан бери ишлаб чиқарилаётганига қарамай, ҳозиргача дунёдаги энг



севимли автомобиль бўлиб қолмоқда. Машина доимий равишда янгилашиб боради. Бир қатор "фукаролик" модификацияларидан сўнг Pagani Zonda соф пойга, машинаси мақоми ва Zonda R номини олди. Венада автохаваскорлар ва мутахассисларга намойиш этилган автомобиль шу захотийёк энг юксак мақтовларга сазовор бўлди.

Биринчи юз километрга унинг тезлик олиши учун 2,7 сония сарф бўлади, энг юқори тезлиги эса, соатига 400 километри ташкил этади.



Бизнес оламида

САЙЁРАМИЗНИНГ ЭНГ ЁШ МИЛИАРДЕРИ

У 23 ёшда бўлиб, исми-шарифи – Марк Цукерберг. Марк бундан қарийб 5 йил олдин Гарвард коллежларидан бирининг ётоқхонасидаги ўз хонасида интернетда Facebook ижтимоий тармоғининг иختирасини ўйлаб топган. Кейинчалик ўз топилмаси билан бевосита иш олиб бориш учун у коллежни тарк этиб, Кремлини водийсига кўчиб ўтди.

PayPal тўлов тизимини таъсисчиларидан бири Питер Тиль биринчи бўлиб Марк лойиҳасига ишонч билдириб, унга 500 миң доллар маблағ киритди. Кейин эса, бошқа инвесторлар ҳам топилди ва улар ҳам янгилишмаганди. Бугунги кунда Facebookнинг фаол фойдаланувчилари сони 66 миллион кишидан ошиб кетди, сайт маълумотларининг йиллик савдо ҳажми 150 миллион долларга етди.

Дастлаб Гарвард талабаларининг ўзаро мулоқотларига мўлжаллаб ташкил этилган Facebook жаҳондаги иккинчи ижтимоий тармоққа айланиб, фақат 200 миллион ми-

жозлари бўлган MySpace дан кейин туради. Утган йилнинг октябрь ойида Microsoft 240 миллион долларга Facebook нинг 1,6 фоиз акциясини сотиб олди ва 2011 йилгача ундаги рекламалар савдоси ҳуқуқини тўлиқ қўлга киритди.

MySpace ахборотлар излаш соҳасининг гиганти Google билан тузган шартномаси учун 1 миллиард доллар тўлаб, компаниянинг 27 фоиз акциясига эга бўлган. Бу ҳолат Facebook акциялари қимматини 5 миллиард доллар атрофида баҳолашга асос бўлади. 27 фоиз акцияга эга бўлган Марк Цукерберг мулк эҳдиликда қарийб 4 миллиард долларга боради. Бу маблағ кудратини кўз олдингизга келтириш учун АвтоВАЗнинг Renault билан яқиндаги битими-дан кейинги капиталлаштириш маблағи 4,5 миллиард доллардан сал ортиқлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, жаҳоннинг энг ёш миллиардери ҳамма пулини ўз кучи билан ишлаб топган.

Кино оламида

ПОТТЕР КИНОҲИКОЯЛАРИ ТУГАЙДИ

Дунё болаларининг сеvimли қаҳрамонига айланган Гарри Поттер ҳақидаги эпопея ниҳоясига етгач, Жоан Роулинг мухлислари китоблар асосида тайёрланган фильмлар билан ўзларини овутишаётган. Таассуфки, бу дўконнинг ҳам ҳадемай ёпилиши кутилмоқда: Warner Bros кинокомпанияси Поттер ҳақидаги фильмлар финал қисми тугалланадиган санани ҳам эълон қилди.

Сомингсон маълум қилишича, "Гарри Поттер ва Ажал тўхфалари-2" фильми 2011 йилнинг 15 июлида томошабинлар ҳужмига ҳавола қилинади. Кичик сеҳрлар тўғрисидаги "Гарри Поттер ва Ажал тўхфалари-2" афсонасининг якуний сериялари суратга олиниши бошланиб кетганини эслатиб ўтамиз. Томошабинларнинг ўз сеvimли қаҳрамонлари билан видолашувлари энгил бўлиши учун Голливуд кинематографчилари фильминики қисмга бўлишга қарор қилишди.

Фильмнинг биринчи қисми кинотеатрлар экранларида 2010 йилнинг ноябрида пайдо бўлиши кутилмоқда. Бу йил эса, Гарри мухлислари якунловчи қисмлардан олдинги – "Гарри ва ярим зотдор шахзода" фильмининг томоша қилишлари мумкин. Унинг тақдироти 2008 йил ноябрига белгиланган. Лекин бу сана кейинчалик шу йилнинг 17 июлига кўчирилди.


ШВАРЦЕНЕТТЕР — ЯНГИ ТЕРМИНАТОРДА

Терминатор қиёфасида томошабинлар онгига сингиб кетган Голливуд юлдазларидан бири Арнольд Шварценеггер ҳаётида кескин бурилиш ясаб, катта сийёсатга ўзини урганидан хабарингиз бор. У ҳозирда АҚШнинг Калифорния штати губернатори. Ҳатто унинг президентликка ўз номзодини қўймоқчи экани ҳақидаги ҳам шов-шувларни эшитган бўлсангиз керак.

Губернатор А. Шварценеггернинг "Терминатор. Халоскоримиз келади" фильмида суратга тушиш ҳақида янги хабар тарқалди. Бу хабарни лойиҳа режиссёри Мак Жи ҳам тасдиқлаган. Унинг айтишича, картинада ILM компа-

нияси мутахассислари томонидан яратилган Шварценеггернинг рақамли қиёфаси намоён бўлади.

Нобъ технологиялар томошабинларга актёрни ҳозирги ёшида эмас, балки қарийб йигирма йил олдинги ҳолатида кўрсатиш имкониятини беради, дея хабар қилади **Лента.ру**. Калифорния губернаторининг фильмида Т-800 моделидаги машур қиёфасида пайдо бўлиши ҳақидаги миш-мишлар кўпдан бери юрарди. Лекин шу вақтгача бу хабар ўзининг расмий тасдиғини топмай келадиганди. Янги фильм 2009 йилнинг май ойида экранларга чиқарилиши кутилмоқда.



Асалтойим — ширинхон

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Болалар ёлғони – тез-тез учраб турадиган, баъзан жуда ёқимсиз бир ҳолат, дея ҳикоя қилади олий тоифали психолог Озода Каримова. Бундай ҳолатга эртами-кечми – ҳамма ота-оналарнинг дуч келишлари табиий. Шунинг учун ҳам болалар ёлғони нима-ю, уни қандай барҳам топтириш йўллари билиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Болалар ёлғони бир неча хил бўлиши мумкин. Масалан, биринчидан, ёлғонни боланинг ҳаёлий фантазияси сифатида қабул қилинади. Маълумки, 6-7 ёшли болаларда шундай фантастик ҳаёллар фаол ривожланади. Айнан шу кезлари ота-оналар болалар ёлғонига дуч келишади.

Ҳақиқатан ҳам 6-7 ёшда болалар шунчаки нималарнидир тўқиб чиқаришлари, улар ҳақида тўқинланиб гапириб беришлари табиий ҳолат – шундай бўлиши ҳам керак. Бундай пайтларда болакайингиз қаровоти остида Чебурашқа яшашини айтганда, лол қилишингиз мумкин. Мабодо, сиз боллага бунинг аксини исботламоқчи бўлиб, унинг ёлғонини фош қилсангиз, мурғакнинг қалбига руҳий жароҳат етказиб қўйган бўласиз. Ёлғондан бегараз, сямимийлиги билан ажралиб турадиган боланинг оддий ҳаёлоты – фанта-

зиясини сезиб турганингиз ҳолда уни қўллаб-қувватлаганингиз маъқул. Унинг ҳаёлига келган нарсаларни суриштириб, биргаллашиб у билан бирга ҳаёлий саргузаштларга берилишингиз мумкин. Мабодо, болакайингиз бирор мақсадни

бор қилишади. Шунинг учун ҳам кўпинча болалар нима қилиб бўлса ҳам онасининг диққатини ўзига тортиш учун ёмон хатти-ҳаракатлар қила бошлайди. Бунда ёлғон энг қулай восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бинобарин, фарзандингиз кўпроқ

риб қўйиб, бажармаган ҳолларингизни санаб кўринг-чи! Ҳа, бола – ота-онанинг кўзгудаги акси. Кўш уясида кўрганини қилади, дея бежиз айтишмаган-ку!

Албатта, ёлғон гапириш, алдаш – ёмон нарсаси. Аммо статистика ва мутахассислар маълумотларига қараганда, ҳаммамиз алдаймиз ва бундан қутулишнинг иложи ҳам йўқ. Яна шуниси ҳам борки, баъзи ҳолларда ростини айтиш – бемаънилик бўлиб чиқади. Ҳақиқат баъзида инсон қалбига чуқур жароҳат етказиши мумкин. "Бунчалар бесўмак" бўлиб кетмасанг – даҳшат, қорнингнинг осилиб кетганини қара!" деган гапларни, тўғри бўлса ҳам, эшитишдан ким хурсанд бўлади?

Шунинг учун ҳам ёлғончиликда гумон қилиб, болангизни ҳадеб тергаб, камситаверманг, уялтираверманг, унинг сизни алдагани қанчалик хафа қилганини шунчаки тушунтиришга ҳаракат қилинг. Яхшиси – ўзингиз ҳақингизда, унинг ёлғонни эшитганингизда қандай ҳолга тушганингиз тўғрисида гапириб беринг. Бундай йўл тутишингиз болангизга раҳмдиллик, меҳрибонлик сабоғи бўлади ва анча вақтгача унинг ёлғон гапириш иштиёқини сўндириб қўяди.

Психолог хузурида БОЛАЛАР «ЁЛҒОНИ»

кўзлаб ёлғон гапираётганини сезиб қолсангиз, саросимага тушманг. Бола жазодан қутулиб қолиш учун алдаш мумкин. Бундай ҳолларда у билан гаплашиб, ёлғоннинг бемаънилигини, бир эмас-бир кун у, албатта юзага қалқиб чиқиб, уялтириб қўйишини тушунтириб. Лекин биринчи марта боланинг ёлғонига жуда жиддий эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Балки у шунчаки хато қилган. Шунинг учун кеңиримли бўлинг.

Кенг тарқалган болалар ёлғонининг иккинчи сабаби – катталар эътиборини ўзига тортишга интилиш билан боғлиқ. Агар бола мўмин-қобил, осойишта ва муаммоларсиз "тўғри" ўсаётган бўлса, ота-оналар унга камдан-кам эъти-

бор қилишади. Шунинг учун ҳам кўпинча болалар нима қилиб бўлса ҳам онасининг диққатини ўзига тортиш учун ёмон хатти-ҳаракатлар қила бошлайди. Бунда ёлғон энг қулай восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бинобарин, фарзандингиз кўпроқ

риб қўйиб, бажармаган ҳолларингизни санаб кўринг-чи! Ҳа, бола – ота-онанинг кўзгудаги акси. Кўш уясида кўрганини қилади, дея бежиз айтишмаган-ку! Албатта, ёлғон гапириш, алдаш – ёмон нарсаси. Аммо статистика ва мутахассислар маълумотларига қараганда, ҳаммамиз алдаймиз ва бундан қутулишнинг иложи ҳам йўқ. Яна шуниси ҳам борки, баъзи ҳолларда ростини айтиш – бемаънилик бўлиб чиқади. Ҳақиқат баъзида инсон қалбига чуқур жароҳат етказиши мумкин. "Бунчалар бесўмак" бўлиб кетмасанг – даҳшат, қорнингнинг осилиб кетганини қара!" деган гапларни, тўғри бўлса ҳам, эшитишдан ким хурсанд бўлади?

Шунинг учун ҳам ёлғончиликда гумон қилиб, болангизни ҳадеб тергаб, камситаверманг, уялтираверманг, унинг сизни алдагани қанчалик хафа қилганини шунчаки тушунтиришга ҳаракат қилинг. Яхшиси – ўзингиз ҳақингизда, унинг ёлғонни эшитганингизда қандай ҳолга тушганингиз тўғрисида гапириб беринг. Бундай йўл тутишингиз болангизга раҳмдиллик, меҳрибонлик сабоғи бўлади ва анча вақтгача унинг ёлғон гапириш иштиёқини сўндириб қўяди.

007 АГЕНТИ ЯНА ПАЙДО БЎЛАДИ

Агент 007 номи билан дунёда донг таратган жосус Жеймс Бонд ҳақидаги фильмлар туркуми ҳаммамизнинг ёдимизда. Янги авлод томошабинлари ҳам унинг тимсолини яна экранда кўрадиган бўлишди. Соқоли қиришланмаган Клайв Оуэн иштирокида ўша киноасарларга ўхшаб кетадиган "Интернэшнл" фильми яқин орада экранга чиқадиган бўлди.

Мазкур Голливуд дебютида Клайв Оуэн Интерпол ходими сифатида қурол-яроғлар сотиш бўйича йирик битимларга эришиб, учинчи дунё мамлакатларида давлат тўнтаришларини амалга ошириб юрадиган банкир кетидан шаҳарма-шаҳар, мамлакатма-мамлакат "югуриб", изқуварлик қилади.

Мутахассислар фикрича, фильмдаги кўп ҳолатларга эътироз билдириш мумкин бўлса-да, бунинг Оуэнга мутлақо аллоқаси йўқ. У ролини қўйилмақом қилиб ўйнаб қўйган. Оуэннинг машҳур қаҳрамон ролига танланишини тасодифий кашфиёт деб бўлмайди. Чунки 2001 йиллардаёқ у супер қаҳрамон қиёфасига шиддат билан кириб бораётганда ("Инсон боласи", "Уларни отиб ташла" фильмлари). Айни пайтда бу қаҳрамонлар Оуэннинг муҳаббат ҳақидаги ("Яқинлик"), талончилик тўғрисидаги ("Ушланмаган – ўғри эмас") картиналарда қатнашишга ҳам ҳалақит бермаган.

Шуниси қизиқки, бир неча йиллаб Бонд ролига даъвогарлар орасида энг олдинда тургани ҳақида миш-мишлар юрган бўлса-да, Клайв Оуэнни ҳеч ким расман тақлиф этмаган. Оуэн яратган образ ҳозирги жангари қаҳрамонларга ўхшамай, бир вақтлар Брюс Уиллис ўйнаганидек ички кечинмаларга бой, ҳиссиётли, оддий одамлардек изтироғ чекадиган инсон бўлгани учун ҳам бу роль кўп даъвогарлар ўртасида фақат унга насиб этгандир.

03-03 ўрганиб домо бўлиш

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ҲИҚМАТЛАР ИСОМИДДИН ИБРОҲИМ

Одоб бу — одобсиздан ўзинг четга олиш, Одоб бу эшитса яхши сўз, дилга ёлиш. Одоб бу одобсизга одобсизликмас, Одоб бу одобсизга-да одобли бўлиш.

КАМОЛИДДИН АБУЛХАЙР

Дунёни на богию на гулзори қолар, Хурларни на хуснию на озори қолар. Ўткинчи жаҳонда ҳеч нима боқий эмас, На маъшуқа нози, на ошиқ зори қолар.

САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ

Мард мардлигини қилмагай асло ошкор, Мардлик қилару бировга этмас изҳор, Мард ўқ есаю бўлса вужуди тор-тор, Дўстидан ўғирмайди юзини зинҳор.

Ишқ олдида чора топа олмас шер ҳам, Уммондир у бағрида жавоҳирлар жам. Гоҳ дўст бўлиб, юзини кўрсатгай у, Гоҳ ёв каби қонингни тўқар хотиржам.

Ҳақ ишқи кўёши нур сочавергайдир, Жон дунёни тарк этиб, қочавергайдир. Мард етгуси шундайин мақомга бир кун — Дўст унга ҳаммиша юз очавергайдир.

Кисмат китоби ичидаги ҳар нуқта Ризқ суфраси четига чекилган пухта. Ҳар заррани ёрганда бўлади маълум Бир дунё фароғат унга омухта.

ФАХРИДДИН ИРОҚИЙ

Гар бўлмаса дардинг, эй дили саргардон, Бекорга табибни айлама андармон. Дармон қидирар кимники дарди бўлса, Дардинг йўғу дармон қидирарсан ҳар он.

Одамлар бор — қулоҳни ковуш этишар, Одамлар бор — ҳар куни рўза тутишар. Одамлар бор — етса-да боши кўкка, Гўёки гадо садақа-эхсон кутишар...

Чизганларида тарҳини бу оламнинг, Боқишган эмас истагига одамнинг. Ҳар қанча урин — кўп ёки кам бўлмас ризқ, Йўқ заррача фойдаси чекилган гамнинг.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

МУҲОКАМАДА ЎЗБЕК КИНОСИ

РЕСПУБЛИКА КИНОЧИЛАР УЙИДА "ЎЗБЕККИНО" МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ БЎЮРТМАСИ АСОСИДА 2006, 2007 ВА 2008 ЙИЛЛАРДА СУРАТГА ОЛИНГАН БАДИИЙ ВА МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА. ЎН ИККИНЧИ МАРТГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИГАН ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИДА КИНО ТАНҚИДЧИЛАР, КИНОШУНОСЛАР, РАССОМЛАР, ТАСВИРЧИЛАР, БАСТАКОРЛАР, САНЪАТШУНОСЛАР, РЕЖИССЁРЛАР, СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФЛАРИ ВА УМУМАН КИНОГА АЛОҚАДОР БАРЧА МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Мутахассислар ўн учта бадий ва тўққизта мультпликацион фильмни томоша қилишди. "Ўзбекфильм", "Коракалпоқфильм". Ешлар тажриба-ижодий "5-студия"си, "Шарқ синема", "Санъат маъно", "Калқон", "Гала фильм", "Байрам фильм", "Шарқ синема интернешнл", "Инсон", "Патрокл", «Lit Tet» ҳамда «Palikan grafiks» студияларида ишланган бадий ва мультпликацион фильмлар жорий йилда мухлислар эътиборига ҳавола этилган.

Мультпликацион фильмлардан режиссёр М.Маҳмудовнинг "Шодмон полвон", С. Чуфаровнинг "Азамат ва танбаллар", Д. Власовнинг "Юз қол қор", Н.Тулаҳужаевнинг "Букри ошиқ", "Мешкобнинг бахти", А. Хўжавнинг "Озод қушлар ҳақида афсона", К.Рўзметовнинг "Жасур тиратикан", С.Муродхўжаевнинг "Сув қайтар-

ган болалар", Н. Саломованин "Айқча" каби мультфильмлари намойиш этилмоқда.

Мавзуси, йўналиши, услуби хилма-хил бўлган бадий фильмлардан Р. Муҳамеджоновнинг "Чол ва набира", Ё. Тўйчиевнинг "Актриса", (Сукунат), "Фериде", А. Шаҳобиддиновнинг "Телба", Д. Абдуллаевнинг "Афюн гирдоби", Ж. Қосимовнинг "Сув ёқалаб", Х. Насимовнинг "Таҳдид" ("Тонг"), Ё. Саъдиев ва А. Шаҳобиддиновнинг "Иблис девори", Н. Аббосовнинг "Ойдиной", Ж. Исоқовнинг "Шатранж мамлакатидеги саргузаштлар", Р. Ботировнинг "Жаннат қайдадир", Х. Файзиёвнинг "Кичкина одамлар", Т. Калимбетов ва Р. Галиевнинг "Орол бахтим менин" ҳамда З. Мусоқовнинг "Ой остидаги ховли" каби филь-

млар ҳам мутахассислар томонидан муҳокама қилинади.

— Марказий Осиё давлатлари орасида ўзбек кинеси йилдан йилга ривожланмоқда десак муболага бўлмайди. — деди санъатшунос Нурали Нарзуллаев. — Буни сўнги йилларда киночилар томонидан суратга олинган бадий фильмларнинг муваффақият қозониб, халқ орасида томоша қилинаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Ўзбек миллий киносининг ривожланишида "Ўзбекино" Миллий агентлигининг ўзига хос ўрни бор. Агентлик томонидан кино санъатининг янада ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар режиссёрлик, актёрлик, тасвирчиликнинг профессионал даражага кўтарилишига замин яратди.

Н. Нарзуллаевнинг таъкидлашича,

кино санъатига ёш, гайратли режиссёрларнинг кириб келиши, уларга ҳам фильмлар ишлашда шароит яратиб берилаётгани ўзбек киносининг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Мустақил кино студиялар фаолияти ҳам таъжирга сазовор.

Мазкур бадий ва мультпликацион фильмлар "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон Киноабоул бирлашмаси ташаббуси билан 13 март куни ўтказилажак ижодий анжуманда атрафлича муҳокама қилинади.

Унда "Ўзбекино" Миллий агентлиги Бош директори Аъзам Исоқовнинг "Ўзбек киноси: муаммо ва истиқболлар" мавзусидаги, киношунослар Ш. Эшонбоева, С. Хайматованин бадий ва илмий-оммабол ҳужжатли фильмлар ҳақидаги, А. Абдухалиловнинг мультпликацион фильмлар борасидаги маърузалари тингланади.

"Ўзбекфильм", "Ўзкинохроника", "Коракалпоқфильм", "5-студия" ҳамда "Эко-фильм" студияларининг 2008-2009 йилдаги ижодий фаолияти ҳам муҳокама қилинади. Мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига қараб келгуси режалар белгилаб олинади.

Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

Спорт янгиликлари



ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МУСОБАҚАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА 12 ЁШГАЧА БЎЛГАН ШАХМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН ИҚТИДОРЛИ ЎГИЛ-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

Кизлар баҳсида пойтахтлик шахматчилар юз фозиллик натижа билан етакчилик қилмоқда. Нозима Орипова учинчи тур учрашувида навоийлик Гулзода Облаевани енгиб, биринчи ўринга кўтарилди. Комила Собирова эса андижонлик Хуснора Турсуновдан устун келди. Фарғоналик Гулрух Тоҳиржонова ҳам Шаҳноза Қосимова (Сирдарё) устидан қозонилган ғалабадан сўнг оққолири бўйича пойтахтлик шахматчиларга етиб олди.

Узаро учрашувида дуранг ўйнаган Феруза Му-

хаммакаримова (Тошкент вилояти) ҳамда Нодира Парпиева (Фарғона) ҳам ҳали мағлубиятга учрамаган кам сонли шахматчилар сифатида юқори ўринларни эгаллаб турибди.

Ўғил болалар бешлашувида олти нафар шахматчи учтадан очко тўплаган. Биринчиликда муваффақиятли иштирок этаётган Олег Артеменко (Тошкент) навбатдаги баҳсда Олтинбек Собировдан (Тошкент вилояти) устун келди. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Алишер Бекмуродов (Тошкент вилояти) эса пойтахтлик Руслан Павловскийни мағлуб этди.

Шунингдек, учтадан учрашувида зафар қучган мезбон шахматчилар — Сардор Исроилов, Темур Игонин, сирдарёлик Элбек Жуманов ва Тошкент вилояти вакили Хамид Эгамов пешқадамларни таъкиб этмоқда.

САРВАРНИНГ ИККИ ҒАЛАБАСИ

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ОСТОНА ШАҲРИДА ХАЛҚОРА ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ (ITF) ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН "ФЬЮЧЕРС" ТУРКУМИДАГИ ХАЛҚОРА ТЕННИС ТУРНИРИДА ҲАМОРТИМИЗ САРВАР ИКРОМОВ САРАЛАШ МУСОБАҚАСИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИБ, АСОСИЙ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ.

24 ёшли теннисчимиз дастлабки саралаш учрашувида россиялик Алексей Нестеровга қарши қорғатта чиқиб, рақибини 6:0, 6:0 ҳисобида мағлубиятга уратди. Иккинчи учрашувида Сарвар Икромов Россиядан келган яна бир теннисчи Виталий Решетников билан куч синашди. Кескин ва мurosасиз курашларга бой бўлган беллашувида 6:3, 7:6 ҳисобида зафар қучган ҳамюртимиз асосий турдан жой олган теннисчилар сўфига қўшилди.

С.Икромов асосий турдаги биринчи учрашувини германиялик Марк Мейгелга қарши ўтказди.

Бохир БЕК

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2009 ЙИЛ 6 МАРТДАГИ ФАРМОЙИШИГА АСОСАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 15 МАРТИДАН 15 АПРЕЛИГА ҚАДАР РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДА «ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛАДИ.

Тадбир давомида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт ва пиадлар, жумладан, болалар ҳаракати серкатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини ошириш, ҳайдовчилар тайёрлаш ўзв ташиқотлариди ўқитиш ишларини яхшилаш, қолаверса маъмур ойлукка кенг жамоатчиликни жалб этиш ойлукнинг асосий вазифаси этиб белги-ланган.

Ушбу фармойиш талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ташкилий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан жойларда бир қатор тадбирлар амалга оширилади.

Маъмур тадбирга ички ишлар идоралари, жумладан, ДИХХХ ходимлари, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» жамоғамаси, меҳнат жамоалари ва халқ таълими тизимлари ходимлари жалб этилди.

Улар томонидан ҳар куни меҳнат жамоаларида, маҳалларда ва оромгоҳларда, мактабгача таълим муассасаларида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борилади.

Ойлик мобайнида аниқланган қоидабузарликлар меҳнат жамоаларида ва маҳалларда муҳокама қилинади.

Тадбир давомида рейдлар уюштириш учун махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан доимий тарзда рейдлар ўтказиб борилади.

Бундан ташқари йўллар кўриқдан ўтказилиб, пиадлар йўлқалари таъмирланади, йўл белгилари ўрнатилади ва эскирганлари алмаштирилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳокимлик ва идораларга тақдимномалар киритилади.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Table with columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Ҳужалик судининг ажрим рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши куйидаги қула ва соатла кўрилади

Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 23 февралда соат 10:00 да ўтказилди. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. Банкротлик иши 2009 йил 25 февралда, соат 14:30 да, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг №2 суд мажлислари залида (судья Р.М. Қурбонов томонидан) кўрилади.

Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2009 йил 2 мартдаги ажримига асосан куйидаги корхонани банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди.

Table with columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Ҳужалик судининг ажрим рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши куйидаги қула ва соатла кўрилади

Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 13 мартда соат 10:00 да ўтказилди. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. Банкротлик иши 2009 йил 16 мартда, соат 14:00 да, Тошкент шаҳар Ҳўжалик суди биносининг 4-сонли суд залида (судья Г.Тайрова томонидан) кўрилади.

Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги ажримига асосан куйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди.

Table with columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Ҳужалик судининг ажрим рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши куйидаги қула ва соатла кўрилади

Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 19 февралда соат 14:00 да ўтказилди. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. Банкротлик иши 2009 йил 19 февралда, соат 15:00 да, Тошкент шаҳар Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хонада сайёр суд тарихида Миробод туман ДСИ биносиди (судья А.Сидиков томонидан) кўрилади.

Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги ажримига асосан куйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди.

Table with columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Ҳужалик судининг ажрим рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши куйидаги қула ва соатла кўрилади

Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 19 февралда соат 14:00 да ўтказилди. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. Банкротлик иши 2009 йил 19 февралда, соат 15:00 да, Тошкент шаҳар Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хонада сайёр суд тарихида Миробод туман ДСИ биносиди (судья А.Сидиков томонидан) кўрилади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ...

● Юпқа тўр пардани ювишдан олдин чангини яхшилаб кеткизинг ва илиқ сувда 4-6 соат давомида иви-тиб қўйинг.

● Сарик ва новотранг тўр пардаларни қаҳва қайнатмаси қўшилган сувда чайсангиз, ранги тиниқлашади.

● Тўр пардани қаттиқ ишқалаш ва бураб сикшиш мумкин эмас. Бундай қилинса пардангиз чўзилиб кетади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

● Сизни сўғал безовта қилаётган бўлса, асло ташвиш тортманг. Сўғалдан фикс гули баргларида тайёрланган малҳам орқали фориг бўлиш мумкин. Бунинг учун фикс барглари яхшилаб майдалайсиз ва унга 1/4 стакан олма сиркаси қўшасиз.

Тайёр бўлган малҳамни пахтага шим-дириб, сўғал чиққан жойни артасиз. Сўғалингиз бир неча кунда йўқ бўлади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-206

Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусxada босилади. Қўғоз бичими А-2